**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**OLIY SUDI HUZURIDAGI SUDLAR FAOLIYATINI TA`MINLASH DEPARTAMENTI QORAQALPOGISTON RESPUBLIKASI HUDUDIY BO`LIMI BOSHLIG`INING**
**1- sonli**
**BUYRUG`I**

2021 йил 04 январь Нукус шаҳри

**Ҳарид комиссияни ташкил этиш тасдиқлаш тўғрисида**

Давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари махсус фонддан ажратиладиган пул маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги қонуни кучга кирганлиги мунасабати билан Олий суд ҳузуридаги департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимига товар моддий бойликларини (ишларнинг, хизматларнинг) ҳарид қилиш бўйича:

Электрон дўкон орқали бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз баравари миқдордаги суммадан кўп бўлмаган товарлар миқдорида, ишлар ва хизматларни бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган миқдорида;

Танлов орқали товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни, ишларнинг хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорида;

Тендер орқали товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши ва мазкур қонунда белгиланган бошқа талабларга амал қилган ҳолда қуйидаги таркибда ҳарид комиссияси тузилсин.

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | А.Б.Шадибеков |
| Комиссия раиси ўринбосари | А.А.Рахимов |
| Комиссия аъзолари | Г.Худайбергенова |
| | А.Алламбергенов |
| | С.Палуаниязов |

2. Ҳарид комиссияси аъзоларининг лавозими ўзгарган тақдирда, унинг ўрнига тайинланган ходим комиссия аъзоси сифатида фаолият кўрсатиши белгилаб қуйилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Асос: *Бош ҳисобчи А.Рахимовнинг билдиргиси.*

**Бўлим бошлиғи** **А.Б.Шадибеков**